

Ярашганлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини ҳал қилишда жабрланувчи ярашишга розилиги ҳамда етказилган моддий зарар қопланганлиги текширилиши шарт.

Жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2006 йил 14 февралдаги ажримига кўра, А.ни Жиноят кодексининг 266-моддасининг 1-қисми билан айблаганга оид жиноят иши ярашганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан тугатилган.

Суднинг ажримида қайд этилишича, А. 2005 йил 4 декабрь куни «Тико» русумли автомашинани «Урумсарой-Чодак-Олтинкон» йўналиши бўйича бошқариб кетаётганда, «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 12.1 банди талабларини бузиб, «хавфли бурилиш» белгисига амал қилмай, тезликни камайтирмасдан ҳаракатланганлиги туфайли автомашина йўлнинг чап томонига чиқиб кетиб, ағдарилган. Бунинг оқибатида автомашина саломида бўлган йўловчи У.га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказилган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанциясининг 2006 йил 11 апрелдаги ажрими билан туман судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси мазкур иш бўйича назорат тартибида протест келтириб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини бекор қилиш ва жиноят ишини янгидан биринчи инстанцияда кўриш учун юборишни сўраган.

ЖПК 585-моддасига мувофиқ, ишни, ярашув асосида тугатилиши мумкин бўлган ишларни кўриш чоғида суд муайян масалаларни, жумладан, ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини, етказилган моддий зарар қопланган-қопланмаганлигини текширилиши шарт.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, биринчи инстанция суди мажлисида жабрланувчи иштирок этмаган. У.нинг турмуш ўртоғи Т. номидан судга йўлланган телеграммада соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли жабрланувчи судда иштирок эта олмаслиги, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни А.дан ундириш талаб қилинган бўлса, У.нинг ишда мавжуд аризасида А. билан ярашганлиги, у етказилган моддий зарарни тўлик қоплаганлиги, жиноят ишини унинг иштирокисиз кўришга розилиги кўрсатилган.

Суд телеграмма ва аризада баён қилинган бир-бирига қарама-қарши ҳолатларни бартараф қилиш чораларини кўрмаган.

Кассация инстанцияси суди ишни кўришда ЖПК 496-моддасида ҳамда Олий суд Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «**Жиноят ишларини кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида**»ги қарорининг 27-бандида қайд этилган талабларга риоя қилинмаган. У.нинг кассация шикоятдаги А. билан ярашмаганлиги, етказилган зарар қопланмаганлиги, дастлабки тергов даврида жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида ариза бермаганлиги, ишдаги ариза ва тилхатлар унинг номидан сохталаштирилганлиги ҳақидаги вазлари текширилмаган.

Юқоридагиларга кўра, Наманган вилоят суди раёсати 2006 йил 20 декабрда назорат тартибида келтирилган протестни қаноатлантириб, А.га оид жиноят иши юзасидан чиқарилган барча суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан судда кўришга юборишни лозим топди.

5-29-2006 сонли қарор